

ЛОМБАРДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Санжарбек Сафаров Абдуллаевич

“Navoiy lombard” MCHJ раҳбари, ҳуқуқшунос

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда ломбардлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган. Шунингдек Ломбардлар фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш масалалари очиқ берилган.

Калит сўзлар: ломбард, ашёлар, мол-мулк, гаров, ломбардда, омонат сақлаш.

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются проводимые реформы в сфере ломбардов в нашей стране. Также раскрываются вопросы совершенствования основ гражданско-правового регулирования деятельности ломбардов.

Ключевые слова: ломбард, имущество, имущество, залог, ломбард, залог.

ABSTRACT

The article covers the ongoing reforms in the field of pawnshops in our country. The issues of improving the framework of civil law regulation of pawnshops are also revealed.

Keywords: pawnshop, property, property, pledge, pawnshop, deposit.

КИРИШ

Маълумки, Давлатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёв 2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолаётганлиги”ни¹ таъкидлаб ўтди.

Бинобарин, ушбу устувор вазифа замонавий бозор иқтисодиётини, унинг асосий унсурларидан бири бўлган хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал

¹ Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз / янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // president.uz/uz/lists/view/4743.

ривожлантиришни, уларнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бундай хизматлардан бири – фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлган ломбардлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳисобланади.

Бунинг учун эса омонат сақлашнинг алоҳида тури сифатида ломбардлар фаолияти ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар фуқаролик ҳукуқида ўрганиш ва илмий таҳлил этиш зарур.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ломбардлар фаолиятининг тарихига назар солсак, XI асрга келиб Венеция, Буюк Британия ва Нидерландияда дастлабки ломбард идоралари очила бошлаган бўлса, ломбардлар XV асрларда Франциянинг Ломбард шаҳрида савдогарлар томонидан ташкил этилган² ва ҳозирги кунда амалиётда қўлланилиб келинаётган “ломбард” термини шу тариқа пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин³.

Ломбардлар тушунчасига тўхталадиган бўлсак, шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар бериш ҳамда фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қаратилган хизматларни кўрсатадиган ихтисослашган ташкилотлар тушуниш зарур⁴.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ломбардлар фаолиятининг барча масалаларига оид ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топмаган, бундай фаолият асосан Марказий банкнинг буйруқлари ҳамда қарорлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

² С.Норқобилов, Ҳ.Дадабоева, Ў.Жўраев. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007. – Б.7.

³ В.Топилдиев “ломбард” атамаси Италиядаги вилоят номидан олинган бўлиб, дастлаб фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган ашёлар эвазига қарз бериш фаолияти айнан шу жойда вужудга келганлиги адабиётларда таъкидланганлиги эътироф этади. Қаранг: Топилдиев В. “Фуқаролик ҳуқуқи”. I қисм. “Университет”. - Т.: 2014. - Б.143.

⁴ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги 5/10-сон қарори билан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига асосан, ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради ҳамда фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қабул қилади.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 3 та моддаси – 289-моддаси (“Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши”), 894-моддаси (“Ломбардда омонат сақлаш”) ва 895-моддаси (“Ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёлар”) бевосита ломбардлар фаолиятига оид айрим масалаларни тартибга солади, холос.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг ушбу моддаларида **ломбардлар фаолиятига оид қўйидаги талаблар белгиланган:**

биринчидан, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар — фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилади;

иккинчидан, ломбардларда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартномалар улар томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади ҳамда гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ашёни ломбардда омонат сақлаш шартномаси эса ломбардлар томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади;

учинчидан, ломбардларга сақлаш учун топшириладиган ашё тарафларнинг келишуви билан сақлаш учун қабул қилиш пайтида ва жойида одатда савдода шу турдаги ва сифатдаги ашёга белгиланадиган нархларга мувофиқ баҳоланиши лозим;

тўртинчидан, ломбардлар гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи, омонат сақлаш учун қабул қилинган ашёларни эса юк топширувчи фойдасига суғурталаши шарт;

бешинчидан, ломбардлар гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас, шунингдек ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади;

олтинчидан, ломбардларда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун Фуқаролик кодексининг 281-моддасида белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли.

Шундан кейингина ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбардларнинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади;

еттинчидан, юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда, ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт.

Бу муддат ўтганидан кейин талаб қилиб олинмаган ашёлар ломбард томонидан Фуқаролик кодексининг 289-моддасининг еттинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда сотилиши мумкин.

Ашёларни сотишдан тушган пулдан сақлаш ҳақи ва ломбардга тегишли бошқа тўловлар қопланиши, пулнинг қолган қисми эса ломбард томонидан сақлов паттасининг эгасига у тақдим этилганида қайтариб берилиши лозим;

саккизинчидан, ломбардларда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномаларнинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини қонунчилик асосида унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда ломбардлар фаолиятини лицензияловчи, тартибга солувчи ва назорат қилувчи асосий орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ломбардлар фаолиятини тартибга солувчи ягона қонун мавжуд эмас, мазкур фаолият “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”⁵ги қонун⁵, “Гаров тўғрисида”⁶ги қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”⁶ги қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Айни пайтда, “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги Низом Марказий банк томонидан 3 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан “Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидалари”, “Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидалари”, “Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Гаров тўғрисида”ги қонуни (янги тахрирда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомни унификация қилиш орқали қабул қилинганлигини эътироф этиш жоиз.

Хусусан, қабул қилинган Низомда ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш, гаров асосида кредитни расмийлаштириш ва бериш, ломбардда мол-мулкларни сақлаш тартиб-таомилларига оид 20 дан зиёд муҳим қоидалар ўз аксини топган.

Шу билан бирга, назаримизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 2 та алоҳида ихтисослашган ташкилотларнинг фаолиятига оид қоидаларнинг битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилиши мантиқан нотўғри ҳисобланади.

Ҳолбуки, микрокредит ташкилотлари микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс бўлса, ломбардлар эса шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар бериш ҳамда улардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қаратилган хизматларни кўрсатадиган ихтисослашган ташкилотдир.

Қолаверса, мамлакатимизда “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қарийб 16 йил олдин (2006 йил 20 сентябрда) қабул қилинган бўлса, “Ломбардлар тўғрисида”ги қонун эса ҳанузгача қабул қилинмаган.

“Ломбардлар тўғрисида”ги махсус қонунларни эса Арманистонда 2003 йилда, Россияда 2007 йилда, Тожикистонда 2013 йилда, Қирғизстонда 2016 йилда қабул қилинганлигини кузатиш мумкин.

Айни пайтда, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Европа мамлакатларида ҳам ломбардлар фаолияти тараққий этиб бормоқда.

Фикримизча, шиддат билан ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида ломбардлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш лозим.

Бунинг учун, Фуқаролик кодексида ломбардлар фаолиятига оид махсус қоидаларни такомиллаштириш ҳамда ломбардлар фаолиятига оид махсус қонун – Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш ҳамда ушбу қонунда ломбардлар тушунчаси, уларга қўйиладиган талаблар, ломбардларнинг ҳисобдорлиги, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, ломбард томонидан кредитлаш қоидалари каби асосий масалалар белгилашни мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ломбардлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар қамровининг оширишга, аҳолининг банк тизими қамраб олмаган қисмига чуқур кириб боришига имкон беради.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз / янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // president.uz/uz/lists/view/4743.
2. С.Норқобилов, Ҳ.Дадабоева, Ў.Жўраев. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007. – Б.7.
3. В.Топилдиев “ломбард” атамаси Италиядаги вилоят номидан олинган бўлиб, дастлаб фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган ашёлар эвазига қарз бериш фаолияти айнан шу жойда вужудга келганлиги адабиётларда таъкидланганлиги эътироф этади. Қаранг: Топилдиев В. “Фуқаролик ҳуқуқи”. I қисм. “Университет”. - Т.: 2014. - Б.143.
4. Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги 5/10-сон қарори билан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига асосан, ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради ҳамда фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қабул қилади.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.*
6. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Гаров тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда) // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.*